



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2004 йил 24 январь, №17 (3291)

Шанба

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш соҳасида интизомни мустаҳкамлаш юзасидан қўрилган чора-тадбирларга қарамасдан аҳоли қониқарсизлигича қолмоқда. Ўтказилган тақрирлар вақтида "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси ҳамда "Ўзқишлоқхўжаликимё" давлат акциядорлик компанияси ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан шартнома ва молия интизоми-нинг жиҳдиди бузилиши, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари иш-

лаб чиқарувчи корхоналар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ҳоллари аниқланди.

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг яхлит тузилмасини яратиш, уларнинг қишлоқ хўжалигига етказиб берилганлиги учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, ҳудудий агрокимё хизматларининг маъсулиятини ошириш, улар ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзқишлоқхўжаликимё" давлат акциядорлик компанияси акциядорлари, "Қишлоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ва "Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари республика базаси" акциядорлик жамиятининг:

"Ўзқишлоқхўжаликимё" давлат акциядорлик компаниясини тугатиш;

"Қишлоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик бирлашмаларини, уларни "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси таркибига берган ҳолда, "Қишлоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик жамиятларига айлантириш;

"Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари республика базаси" акциядорлик жамиятини, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Жиззах ва Бухоро вилоятлари чигирткага қарши курашиш экспедицияларини, Республикда агрокимё станциясини, Республикда ўқув-ишлаб чиқариш биологаториясини, Зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш бўйича диагностика, прогноз ва биометод Республика ва ҳудудий лабораторияларини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига бериш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Қуйдагилар "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кимё саноатини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга йўналтирилган ягона техника сифати ўтказиш, ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ва бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;

қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитларга, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларига, шунингдек иқтисодиёт бошқа тармоқларининг рақобатбардошли кимёвий маҳсулотларга бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжларининг маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ҳамда уларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

тармоқни ривожлантиришнинг кимё саноатини барқарор ривожлантиришга, рақобатбардошли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган ўртача муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг ҳар йилги баланслари ишлаб чиқишида қатнашиш;

минерал ўғитлар ва дефолиантларни сотиш бўйича ҳар йилги ямарка савдо-

ҳар йили 1 октябрдан кечикмай, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртманома-ларини умумлаштириш асосида республика вилоятлари бўйича минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёж прогнозини шакллантиради-

ҳамда минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ватанимиз ишлаб чиқарувчи корхоналарида ишлаб чиқариш бўйича келгуси йил дастурини ўз вақтида тайёрлаш учун "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясига тақдим этади.

6. Қуйдаги тартиб белгилансин, унга кўра:

2004 йилдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан минерал ўғитларнинг асосий турларини ва дефолиантларни улгуржи сотиш юзасидан шартномалар (контрактлар) тузиш ҳар йили ўз маҳсулотларининг кўргазма-сотувини ташкил этган ҳолда ямарка савдо-ларига амалга оширилади;

минерал ўғитлар ва дефолиантларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импорт қилувчилар — бир томондан, улгуржи харидорлар — "Қишлоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва маҳсулотнинг бошқа улгуржи истеъмолчилари — иккинчи томондан ямарка савдолари қатнашчилари хисобланадилар;

шартномалар тузиш ҳамда минерал ўғитлар ва дефолиантларни сотиш бўйича ямарка савдолари ҳар йили, прогноз йилдан олдинги йилнинг октябр-ноябрь ойларида ўтказиладди.

Кўрсатиб ўтилган вазифани амалга ошириш учун:

"Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясини ижро этувчи аппарати тузилмасида минерал ўғитлар ва дефолиантлар ямарка савдоларини ташкил этиш бўлими ҳамда доимий фаолият кўрсатувчи ямарка қўмитаси ташкил этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясини ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Буюртмаларни шакллантириш, ямарка савдоларини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни сотиш ҳамда улар учун ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

7. "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясининг минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан воситачилик шартномалари бўйича ва "Қишлоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик жамиятларининг омондорлида жавобгарлик остида саклаш учун минерал ўғитлар жўнатиш тақдирлансин.

"Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясини кенгаши минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга махсус жиҳозланган омондорлар ахратиш ва

бериш масаласини, ишлаб чиқарилган маҳсулотни саклаш хавфсизлиги режими қатъий равишда таъминла-нишини назарда тутган ҳолда, бир ой муддатда қўриб чиқсин.

8. Белгилансинки, "Қишлоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик жамиятларининг чакана савдо тармоғи орқали деҳқон ва фермер хўжалиқларига сотиладиган минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларга қўшилган қиймат солиғи солин-майди.

9. "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси кенгаши бир ой муддатда:

"Қишлоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, туманларо ва туман филиалларининг фаолиятини мукамал ўрганиб чиқсин ҳамда уларни "Қишлоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик жамиятларига айлантиришга доир ташқи-лий чора-тадбирларни амалга оширсин, шунингдек уларнинг раҳбарлари атте-стациядан ўтказилишини таъминласин;

"Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясини ижро этувчи аппаратининг штатдаги ходимлари сонини қайта қўриб чиқсин, уни юқори малакали кадрлар билан бутласин, мазкур қарорни ҳисобга олган ҳолда Компаниянинг янги уставини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги билан бир-галикда "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясини ҳамда "Қишлоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик жамиятларининг устав фондларини мазкур қарор-га мувофиқлаштирсин.

10. Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2004 йил 16 январдаги Ф-1893-сон фармониши билан таш-кил этилган Махсус ишчи гуруҳ бир ой муддатда ту-гатиш комиссиясини тусин ҳамда "Ўзқишлоқхўжали-кимё" давлат акциядорлик компаниясини тугатишга доир тадбирларни белги-ланган тартибда амалга оширсин.

11. Қуйдагилар:

қалийли ўғитлар етказиб бериш бўйича — "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси;

тегишли ҳуқуқ ва мажбу-риятлар, шу жумладан ил-гари тузилган импорт кон-трактлари бўйича — "Қи-лоқхўжаликимё" ҳудудий акциядорлик жамиятлари тугатиладиган "Ўзқишлоқхў-жаликимё" давлат акция-дорлик компаниясининг ҳуқуқий ворислари этиб белгилансин.

12. Ўзбекистон Республи-каси Адлия вазирлиги, Мо-лия вазирлиги, "Ўзкимёса-ноат" давлат акциядорлик компаниясини манфаатдор ва-зирликлар ва идоралар би-лан биргаликда қонун ҳуж-жатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар ки-ритсинлар.

13. Мазкур қарорнинг ба-жарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси-нинг Бош вазири Ш.Мир-зиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 23 январь.



## Янгийўллик Муножот

Инсоннинг обрў-эътибор топиши учун катта корхоналарда ишлаши шарт эмас экан. Муножот Раҳимова (суратда) меҳнат қилаётган маскан Янгийўлдаги "Лаззат-келажак" шўъба корхонаси, образли қилиб айтганда, ўша машҳур "Лаззат"нинг фарзанди. Ана шу жойда ҳам у ўз меҳнатсеварлиги, ҳушмуомалалиги билан тезда тилга тушди. "Лаззат-келажак"нинг буюртмачилари, ва умуман, шўъба-корхонаси билан шартнома имзолаган барча истеъмолчи муассаса ходимларини ҳам, юридик ва жисмоний шахсларни ҳам Муножот ўз хизматлари, ишбилармонлиги ва ўзи ишлаб чиқараётган ши-ринликлардан-да ширин муомаласи билан муножотдай сўзлаган. Зеро, эл олқиши-ни олиб ишлашдан ҳам ортиқроқ савдат борми?

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

## ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ НАВБАТДАГИ ГРАНТИ

долларига тенг биринчи лойиҳага биноан Самарқанд давлат чет тиллар институ-тининг лингфон кабинети замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Урта махсус ва касб-хунар таълими ўқитувчилари мала-касини оширишга мўлжал-ланган лойиҳа доирасида эса Асака, Бешкент, Бухо-ро, Наманган, Нукус, Тош-кент, Урганч, Ургут ва Қўқон шаҳарларидаги касб-хунар

коллежлари негизда 16 йўналиш бўйича педагогик ходимлар малакасини оши-риш ва қайта тайёрлаш мар-казини ташкил этиш ҳамда Урта махсус ва касб-хунар таълимининг ривожлантириш институтининг услубий не-гизини яхшилаш, техника-вий жиҳозлаш режалашти-рилган. Мазкур лойиҳа учун Япония ҳукумати томонидан 6,4 миллион долларлик маблаг ажратилди.

## Президент китобининг Кувайтда тақдими

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Кувайт Давлати-га расмий таширифи арасида мамлакат пойтахти — ал-Кувайт шаҳридаги Шератон меҳмонхонасининг маросилари залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг янгидан араб тилида чоп этилган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарақ-қиёт кафолатлари" китобининг тақдими бўлиб ўтди. Унда Кувайт Давлати қатор вазирлик ва муассасалари, илмий, иجتимой ва ишбилармон доирала-ри ҳамда халқаро ташкилотлар, хорижий дипломатик ваколатхоналар ва ом-мавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республи-каси ташқи ишлар вазири ўринбосари И.Эр-гашев тақдимот мароси-мини очар экан, давлати-миз раҳбари китобда кўтарилган муҳим масала ва муаммолар бугунги кунда ҳам долзарб аҳами-ятга эга эканини алоҳида таъкидлаб, халқаро тер-роризм ва диний экстре-мизм таҳдидларига қар-ши жаҳон ҳамжамияти сазой-харақатларини ўза-ро бишлаштириш ва як-дил курашиш борасида ушбу китобда илгари су-рилган ғояларнинг тўғри-лигини ўтган вақт ва сўнги йиллар воқеали-ги ақол намойн этганини кўрсатиб ўтди.

Маросимда иштирок этганлар, хусусан, АҚШ-нинг Кувайтдаги дипло-

риклан. 2001 йилнинг сентябрида АҚШда содир этилган террорчилик хат-ти-ҳаракатлари, ундан кейинги даврда халқаро террорчиликка қарши ку-рашнинг кучайтирилиши мазкур китобда ифода этилган фикр мулоҳаза-ларнинг ҳаётийлигини яна бир бор тасдиқлади.

Маросимда қатнашган Кувайт ишбилармонлари вакилларидан бири, мам-лакатда катта нуфузга эга "Ал-Каттаи групп" компа-нияс вице-президенти Халид ал-Каттаи ўз нут-қида мазкур китоб нафа-қат Кувайт сиёсий доира-лари вакиллари, балки ишбилармонлар томони-дан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинганини таъкидлаб ўтди. Унинг фикрича, Ўзбекистон Рес-

## Олий Мажлисида

Кеча Олий Маж-лисида парламент-нинг Бюджет, банк ва молия масалала-ри қўмитаси ташаб-буси билан "Ўзбеки-стонда микромолия-лаштириш ишлари аҳоли ва бу соҳани такомиллаштириш имкониятлари" мав-зусида давра суҳба-ти бўлиб ўтди.

## Микрокредит — ҳам ҳимоя, ҳам қудрат

Халқаро молия корпо-рациясининг микро-молиялаштиришга доир қонун ҳужжатларини ри-вожлантириш лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур давра суҳ-батини қўмита раиси ўринбосари Раҳмонқул Каримов олиб борди. Унда кичик кредитлар ти-зимини такомиллашти-риш жойларда нафақат аҳоли турмуш даражаси-ни кўтаришнинг, балки хориж сармоясини кўпроқ жалб этишнинг ҳам сама-рали воситаси эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбати ишти-рокчилари кейинги йил-ларда мамлакатимизда микромолиялаштиришни ривожлантириш мақсади-да муҳим чора-тадбирлар қўрилганлигини эътироф этдилар. Хусусан, кичик корхоналарнинг, яқна тар-тибда иш юритувчилар-нинг кредит ресурслар-дан фойдаланишини кен-гайтириш мақсадида ҳуку-матимиз томонидан ти-жорат банклари орқали аниқ йўналтирилган даст-турлар ишлаб чиқилган. Микромолиявий ташки-лотлари сазой-ҳаракати эса қўллаб-қувватланмоқда. Буни Самарқанддаги но-давлат нотижорат ташки-лот хисобланган "Сабр" ишонч маркази мисоли-да оладиган бўлсак, маз-кур муассаса етти йил давомида юзлаб кам да-ромадли оилаларга кре-дит бериб, улар ўз иқти-содини яхшилаб олиши-га кўмаклашди. Бундай ташкилотлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқ-да.

Суҳбат жараёнида мик-ромолиялаштиришга оид қонун ҳужжатларини тако-миллаштириш юзасидан Халқаро молия корпо-рацияси лойиҳасининг экс-пертлари берган тавсия-лар ҳам муҳокама қилинди.

Худойберди ЭШМАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.




публикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ку-вайтга расмий таширифи ўзаро иқтисодий муноса-батларни ривожланти-ришнинг ҳуқуқий асосини яратиб, Кувайт сармояла-рини Ўзбекистонга олиб киришга кенг имконият-лар очиб беради.

Тақдимот маросими ниҳонсида иштирокчи-ларга Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг китоби тарқатилиб, Ўзе-бекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган сиёсий ва иқти-содий соҳалардаги ютуқ-лари, маданий-тарихий ме-роиси ва миллий қадри-ятларини акс эттирувчи видеофильм намойиш этилди.

"Жаҳон" АА.





## Кўшма корхона — кўша манфаат

Бу гап ҳозирги кунда халқимиз орасида мақол тусига кирди, десак муболага бўлмайди. Айниқса, шаҳрисабзликлар ана шу иборанинг маъини аллақачон қақишга улгурмоқда. Чунки ҳозирда туманда олтига кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

«Ички бозорни рақобатбардодш ўз маҳсулотларимиз билан тўлдирish — бу бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири, — деб таъкидлаган эди Юрбошимиз. — Ана шу маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар эса ҳар бир ҳудуднинг тизими ва қиёфасини ўзгарилади». Шаҳрисабзда ишлаб турган кўшма корхоналар билан танишган киши ушбу кўрсатмаларнинг нақадар ҳаётини эъланлаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

**ДАЛИЛ.** «Оқсарой тўқимачи» ўзбекистон-Япония-Туркия кўшма корхонасини олиб кўрайлик. Унинг номига эътибор бердингизми? 2001 йилда ЮНЕСКОнинг жоман мероси дурдоналари рўйхатига киритилган, орадан бир йил ўтган, қўллуғ 2700 йиллик тўйи дунё миқёсида нишонланган Шаҳрисабзда, биласиз, ноёб осори-атиқалар бисёр. Аммо Оқсарой — ҳамма-ҳаммасининг гултоғи. У асрлар мобайнида тарихий обиди сифатида шаҳарнинг кўркига-кўрк қўшиб келатган бўлса, «Оқсарой тўқимачи» эса замонавий ишлаб чиқариш иншооти сифатида ҳудуднинг тизими ва қиёфасини ўзгариштириб юборди. Кўшма корхонани «Шаҳрисабзнинг янги «Оқсаройи» дейишларининг боиси шунда.

Энди унинг ҳудуд тизимини ўзгаришга сабаб бўлган айрим жиҳатларга тўхталиб ўтайлик. Шаҳрисабзда ҳам, барча қишлоқ туманларида бўлгани каби, ҳар йили деҳқонларнинг машаққатли меҳнати эвазига тонна-тонналар пахта етиштирилади. Лекин илгари пахта дегани фақат хомашё сифатида экспорт қилинган учун ундан туман бюджетига нисбатан кам даромад тушарди. «Оқсарой тўқимачи»нинг шарофати тўғрисида замонавий тўқимачилик санаотида асос солиндим. Пировадига 657 киши иш билан таъминланган, биргина ўтган йили бу ерда пахтадан 9 миллиард 873,4 миллион сўмлик, яъни 2002 йилдагига нисбатан 4806,6 миллион сўмлик калава кўп ишлаб чиқарилди. Экспорт ҳажми 11,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

12 гектар майдонда жойлашган кўшма корхонанинг ишлаб чиқариш иншоотлари ва маъмурий бинолари эса шаҳар ҳуснига бамисоли узукка кўз тушгандай ярашиб турибди. Корхона ҳудудида, шунингдек, поликлиника, стадион, спорт майдончаси, фаввора, хордик масканлари, ўқув маркази ва лаборатория ҳам мавжудлигини эсласак, унинг жоман ҳаётларига тўлиқ жавоб бера олиши аён бўлади-қўяди.

— Бултур жомамиз ахли хорижга 1896 тонна ун ва ун маҳсулотларини экспорт қилди, — деди кўшма корхоналарнинг яна бири — «Шаҳри Кеш»нинг раҳбари Абдурашул Жўраев биз билан сўхбатда.

Унинг сўзлари оҳангидан «Кечагина ўзимиз ташқаридан бугдой ва ун харид қилардик. Мана, бугун бу маҳсулотларини хатто чет элга сотадиган кўнларга «ҳам етиб келдик» деган фахр тўғрисида аққол сезилиб турарди.

«Шаҳри Кеш» ўзбекистон — Туркия кўшма корхонасида асосан бугдой қайта ишланади.

**Ён дафтардаги қайдлардан:** «Ўтган йили 78 кишидан иборат жоман ахли туман хўжаликларида шартнома асосида 25 минг 807,6 тонна бугдой қабул қилиб олган эди. Шундан 11,5 тонна олий навали, 19 минг 477,6 тонна биринчи навали ун ва 5 минг 875,8 тонна кепак, яъни 2 миллиард 432,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу — бурноғи йилдаги кўрсаткичга таққослаганда 579,1 миллион сўмлик маҳсулот кўп тайёрланди, деганидир.

Умуман, тумандаги олтига кўшма корхонада шу кеча-кўнунда 2206 киши меҳнат қилади. Уларнинг кучи билан 2003 йилда 13 миллиард 178 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, турли хизматлар кўрсатилди. Яқунлаган йилнинг 11 ойи мобайнида эса 17250,5 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинди.

Бугунги кунда тегиримон, нон ва макарон маҳсулотлари, омикта ем ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналарга ҳам талаб тобора ошди бормоқ-

## Яқун:

## Таҳлил, тажриба, ашаббас

да. Шунинг билан олиб, 2003 йил ноябрда Шаҳрисабзда янги «Турон-Турк инвест» ўзбекистон-Туркия кўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг Низом жамғармаси 200 минг АҚШ долларига тенг. Бошқача айтганда, унда таъсисчилар — Туркия томонидан «Химмет Уста» компаниясининг улуши 51 фоизга, ўзбекистон томонидан «Шаҳри Кеш» кўшма корхонасининг ҳиссаси 29 фоизга, жисмоний шахснинг улуши эса 20 фоизга тўғри келади.

Корхонанинг биноси тайёр. Айни кўнларда зарур технологиялар келтирилмоқда. Улар шу йилнинг 1-чорагида ўрнатилиб, фойдаланишга топширилади.

Бу ерда ишловчи мутахассислар келгусида тегиримон, нон ва макарон маҳсулотлари ҳамда омикта ем ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналарнинг яратибгина қолмасдан, уларни республикамизда ва хорижда мон-

батта. Корхонамизда замонавий технологиялар ўрнатилган. Уларнинг ёрдамида жоман талабларига жавоб бериш маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, экспортга маҳсулот сотиш режасига кўра, Украинанинг «Агротехнология-97» компанияси билан 1 миллион 980 минг АҚШ доллари миқдориди, «Инновация» акциядорлик компанияси билан эса 562 минг 500 АҚШ долларилик шартномалар тузилган эди. Бу борадаги мажбуриятларимиз ҳам тўлиқ адо этилди.

Шу билан бирга, айтишларича, «Шаҳрисабз-консерва»да 2 миллиард 830 миллион 655 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ҳам ишлаб чиқарилибди. Бу 2002 йилдагига нисбатан 129 фоиз ўсиш, демаскидир.

— Ишчиларимизнинг сони ҳам 539 кишидан 750 кишига кўпайди, — деди пировадига Неймат Исмоилов. — Сабаби аён: уларнинг ойллик иш ҳақи ўртача 31 минг 600 сўмга тўғри келмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2002 йилда 19 минг 200 сўмдан ошмаган эди.

Шартнома хусусида сўз кетганда, уни имзолаган томонларнинг яна бири — Жўра Элбоев номли ширкат хўжалиги тилга олинди.Хў-

Уни ривожлантиришни бугун ҳаётнинг ўзи такозо қилаётди. Коллажерас, қадимий ва навқирон Шаҳрисабз шаҳрида азал-азалдан хунармандчилик тараққий этган.

Мисол учун, қўлчилик, каштачилик, заргарлик, қандакорлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, қосибчилик, бешикчилик, сандикчилик, темирчилик, чармгарлик, сангтарошчилик билан шугулланадиган устоналар кўп бўлган. Устоз ва шогирдлар мактаби яратилган. Ҳозир ҳам бу анъана давом этмоқда. Буларнинг бари шу соҳадаги ишларни ташкил этиш ва йўлга қўйишда муҳим омил эмасми?

Шунинг учун туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2003 йил мобайнида жойларда жами 2649 та кичик корхона иш юритганлиги, бу аввалги йилдагидан 436 та кўп эканлиги фикримизга далил бўла олади.

**Ён дафтардаги қайдлардан:** «2004 йил 1 январь ҳолатига кўра, ушбу тизимда 3998 киши иш билан банд. Улардан 502 нафари санатда, 305 таси қурилишда, 2157 таси савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларида, 434 нафари хизмат

ташиб, эл олқишига сазовор бўлмоқда. Айни чоғда ишбилармон нақд пул маблағининг банкка тушишига ҳам ҳисса қўшаётди».

Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси расининг ўринбосари Фарҳод Тўраев берган маълумотларга қараганда, бу йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2 миллиард 301 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиши, шунингдек, хорижий сармоядорлар маблағлари кўпроқ жалб этилиши мўлжалланмоқда. Жумладан, «Кеш-пласт» корхонасида катталар ва болалар пойабзалини ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича хўжаликлар тайёрланиб, Миллий банк бўлимига тақдим этилди. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 39980 АҚШ долларига тенг. Ана шу маблағга хорижда замонавий асбоб-ускуналар келтирилади. 27 киши учун янги иш ўрни очилади.

«Тўра Асқар ўғли» фирмасининг 25 миллион сўм миқдоридagi лойиҳаси ҳам банкка топширилган. Бу ерда сутни қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 36 киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилади.

гапираркан, бешикчи усталарнинг бешинчи авлодига мансублигини айтиб. Уста бозор талабидан келиб чиқиб, ҳар ойда ўртача 8-10 та маҳсулот тайёрлашни, уни сотиш учун бозор йўқлигини ҳам яширмади. Унга шаҳардаги бозорлардан бирдан алоҳида раста ажратилди.

Ҳа, туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ривожлантириш ислохотларининг устувор вазифаларидан бири сифатида ҳаммаша эътиборда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, тиним билмай, хотиржамликка берилмай, доимо изланиш, изланиш ва изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳисобидан янашимиз керак.

## Яшил шаҳарга гуллар ярашар

Шу ўринда ушбу сатрларни ўқиган газетхонлардан қўлимизни кўксимизга қўйган ҳолда уэр сўрашимизга тўғри келади: бир мақолада туман ҳаётининг жаммики қирраларини қамраб олиш анча мушкул — газета саҳифаси торлик қилади. Шундай бўлсада, амалга оширилмаётган ислохот қадамлари ҳар бир соҳа ва тармоқда ўз изини қолдиратгани, унинг зарби эса, юқорида қайд этилганидек, ҳудуд қиёфасини ўзгариштириб, одамлар манфаатдорлигини оширатгани учун, яна баъзи ўзгаришларга нигоҳ ташлашга жазм этмоқчимиз.

Аввало, қишлоқ хўжалиги учун оғир келган 2003 йилда шаҳрисабзлик пахтакорлар ҳар гектар майдондан 627 минг сўмдан даромад олиб, бу борада 171 фоиз ўсишга эришди.Пахтачиликда рентабеллик 2002 йилда 5,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 36,1 фоизга кўтарилди.

Ҳаллачиликдаги рентабеллик даражаси эса яқунлаган йилда салкам 60 фоизга етди.

Булариинг бари туманда фермерлик ҳаракатида алоҳида эътибор берилмаётгани, меҳнат ахлининг ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани ва кишиларда мўлққа эгалик тўғрисидаги бўлаётган натижаларидир. Хусусан, ҳозир пахта ва галла етиштиришга ихтисослашган олти ширкат хўжалиги ҳамда тўртта тоғонда хўжалиги деҳқон ва фермер хўжалиқларига айлантирилмоқда.

«Иш қурилиш бўлса соз, машаққатнинг бўлар ози», дейишади. Қишлоқ хўжалик соҳасида эриштилаётган ютуқларда техникага берилмаётган эътибор ҳам муҳим омил бўлмоқда. Ўтган йили «Пахтабанк» кредити ва лизинг ҳисобидан 36 хайдов, 120 чопик трактори харид қилинган бўлса, бу борадаги қарзлар даромад ҳисобига қайтарилиди.

«Даромадга яраша буромда» деганларидек, туманда барча тармоқлардан фойда олинаётгани ўз навбатида қурилиш, ободонлаштириш ва кўчаларнинг яшилтириш ишларини янада жадаллаштириш, қўйинчи, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш имконини бермоқда.

**Ён дафтардаги қайдлардан:** «Ўтган йили туманда умумий қиймати 270 миллион сўмлик «Хисор» спорт мажмуи, 2 та коллеж, шунча қишлоқ врачлик пункти, марказдан 80 километр узоқликда, денгиз сатҳидан 2400 метр баландликда жойлашган Чингизрак қишлоғида 220 ўринли мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди, 12 та мактаб таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда яна 12 та мактаб, 900 ўқувчига мўлжалланган ва 100 ўринли ётоқхонага эга академик лицей бинолари, Қоршаба шаҳарчасида умумий қиймати 220 миллион сўмлик спорт иншооти барпо этилмоқда. Бундан ташқари, «Ипак йўли» кўчаси шаҳарнинг жанубий қисмида қалқа бўлиб тўташтирилди, 36 километр узунликда газ, 18 километрлик ичимлик суви қувурлари ётқизилди, хонадонларга 5 мингдан ортиқ газ, 1600 донна суз ўлчатиғи асбоблари ўрнатилди. 1996 йили тўхтаб қолган «Шаҳрисабз — Китеб» йўналишидаги автобус қатнови қайта тикланди. Самолётлар эса «Шаҳрисабз — Тошкент» йўналиши бўйлаб яна парвоз қила бошлади.

Гап аҳолига яратилаётган бундай қулайликлар ҳақида кетар экан, яна бир янгиликни алоҳида таъкидламоқ керак. Қадимий Кешининг тарихий қисмидан ўтадиган серкаторов транспорт ҳаракатини қамайтириш ва келажақда бутунлай таъкидлаш мақсадида эски қалъа девори бўйлаб қарийб икки километрлик янги йўл очилди.

Айтинг-чи, ана шу янгида бунёд қилинган иншоотлар, бинолар ва йўллар гулсиз ёки дарактларсиз маҳаббат, қўрқамлик, саришталлик қасб этадими? Асло! Яна денг, Шаҳрисабз ўз номи билан «яшил шаҳар» бўлса!

Шу сабаб «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг «Яшил шаҳарга гуллар ярашар, уни босга бустонга айлантирамиз» шiori остидаги ташаббуси маъқулланди. Натижада баҳор ва кўз ойларида туман бўйича бирталай юмушлар амалга оширилди.

**ДАЛИЛ.** 300 минг туп мевали ва манзарали даракт қўнчалари ўтказилди, Китеб тумани чегарасидан «Шаҳри Кеш» ҳиссадорлик жамиятига бўлган 1,8 километрлик йўлнинг ўртаси, марказий «Ипак йўли» кўчасининг 5,5 километрлик қисми гулзорга айлантирилди, Амур Темур майдонининг йўлакларига анвойи гуллар экилди. Бу юмушлар жорий йилда ҳам қўнатирилса кўнатириладики, аммо сўсайтирилмайди.

Шаҳрисабз туманида қўрган-билганларимиз, қўзатганларимиз ҳозирча шу. Фақат бир далилни таъкидлаб ўттишни истардик: меҳнат ахли «Ислохотлар ислохот учун эмас, ислохотлар инсон учун» деган қондининг мазмун-моҳиятини англаган ҳолда эртанги кўнга, ўзининг истиқболига ишонч умид ила боқмоқда. Негаки, ўз меҳнати натижасидан манфаат кўрмоқда. Айни шу умид ишонч уларни яратувчилик ишларига даъват этмоқда.

Иқром ЎТБОСОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Излаган имкон топади

## Шаҳрисабз туманининг қиёфаси ўзгариб, аҳоли турмуш фаровонлиги ошмоқда



СУРАТДА: «Гулистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Равшан Комиллов (ўртада), бош пулатчи Абдуманнон Ёлқочиев ва бош ҳослот Лутфулла Маликов баҳорги экниш мавсумига тайёргарлигининг бориши ҳақида сўхбатлашмоқдалар.

жалик ахли заводга 18 минг тонна помидор сотиши белгиланган эди. Бу мажбурият бажарилдими?

Жавоб лўнда бўлди: — Ҳўжалик 18 минг 900 тонна помидор топшириб, шартнома режасини 105 фоиздан оширди.

**Ён дафтардаги қайдлардан:** «Жамоада 650 гектар ер 880 оилавий пулратчига 40 сотихдан 6 гектаргача бўлиб берилган. Оилавий пулрат тўғрисида ер ўз эгасини топган эмасми, яқунда хўжалик бўйича ҳар гектар ердан 277 центнер ўрнига 292 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Даромад 503 миллион 100 минг сўмга, соф фойда эса 87 миллион сўмга етди».

Бир йилда хўжалик бўйича ҳосилдорликини 15 центнерга кўпайтиришнинг ўзи бўлмайди!

## Кичик бизнес камта ишга қодир!

Туманда 277,1 минг аҳоли яшайди. Бу аҳолининг истеъмоли товарларига бўлган талабини тўлаш қондириш керакми? Уларга турли хизматлар кўрсатишни яхшилаш лозимми? Меҳнат ресурслари, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш зарурими? Ана шу долзарб масалаларни ҳал этишда, табиийки, биринчи галда кичик бизнес катта аҳамиятга эга.

кўрсатиш соҳасида меҳнат қилапти. Ўтган йили тадбиркорлар савий-ҳаракати тўғрисида 748,5 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, аҳолига турли хизматлар кўрсатилди».

Албатта, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожини банк кредитларисиз тасаввур этиш қийин. Уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бултур туманда фаолият кўрсатётган «Савдогарбанк», «Пахтабанк», Миллий банк, «Ўзйўлжам-гармабанк», «Тадбиркорбанк», Халқ банки ва «Туронбанк» бўлимлари томонидан жами 1 миллиард 119,1 миллион сўмлик кредит ажратилган эди. Бундай имкониятдан оқилона фойдаланган тадбиркорларнинг ишлари кредитлар ўз самарасини бераётганлигини исботламоқда.

**Ён дафтардаги қайдлардан:** «Шамс-5» фирмаси раҳбари Мақсуд Мухторов 5 миллион сўм кредит олиб, 10 та янги иш ўринини яратди. Ишчилар эса парранда гушти ва тўхум етиштириб, қисқа муддатда 1,5 миллион сўм соф фойдани қўлга киритдилар.

Хусусий тадбиркор Азамат Мўминов ташаббусини кўринг! У коммунал хўжалиги ҳодимлари эпполмаётган энг нозик муаммога ечим топди: 15 миллион сўм кредит ҳисобига 3 та махсус автотранспорт воситасини харид қилди. Мана, бир йилдирки, шу азамат шаҳардаги 8 та фуқаролар йигини ҳудудида шартнома асосида ўз уловлари ёрдамида чиқиндиларини



«Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг оилавий пулратчиси Яхё бобо Эргашев бултур 16 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, гектар ҳисобига 55 центнердан пахта йиғиштириб олди. Шартнома режаси эса 172 фоиз бажарилди. Ана шу ютуғи учун у Президент совғиси — «Нексис» автотомашинаси билан тақдирланди. Меҳнатнинг қадр деганлари шу эмасми?

СУРАТДА: Яхё бобо Эргашев ва унинг оила аъзолари.

— Буним ҳисобга олганмиз, ал-





## Тошкент ислом университети ташриф

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети дунёдаги турли халқаро ташкилотлар, олий ўқув юртлири ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ва бу ҳамкорлик кун сайин ривожланиб бормоқда. Кун кеча университетга Россия Федерациясининг Махсус ишлар бўйича элчиси В.В.Попов ҳамда Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.М.Муҳаммадиев ташриф буюрдилар.

Университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан бўлган учрашувда меҳмонлар университет тарихи, таълим тизими ва ўқув жараёни билан талабаларнинг турли тилларда қилган чиқишлари орқали танишишди. Сўхбат чоғида билим юртининг илмий-амалий фаолияти, ташқи алоқалари, талабалар алмашинуви ҳамда ушбу йўналишларда эришилган ютуқлари ҳақида айтиб ўтилди. Шунингдек, университет талабалари томонидан тузилган Куръони карим ва ҳадис электрон дастурлари намойиш этилди.

Диншунослик-исломшунослик, ислом ҳуқуқи, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологиялари йўналишларида олиб борилаётган изланишлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Улар Ўзбекистондаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни таъминлашда университетнинг ўрнини алоҳида эътироф этдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда Россия тарафи мамлакатимиз, хусусан, мазкур олий ўқув юрти таърихидан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон билан кенг микёсда ҳамкорлик қилиш истагида эканини билдирдилар.

Ташриф сўнггида меҳмонларга Ўзбекистонда дин соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида маълумот берувчи қатор нашрлар, жумладан, "Ўзбекистон ислом обидалари" фотоальбому, "Ислом зиёси ўзбегим сиймосида" китоби, Тошкент ислом университети, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолияти ҳақида хикоя қилувчи адабиётлар, илмий-таҳлилий бюллетенлар ҳамда Куръони карим ва ҳадисларнинг электрон дастурли дисклари тақдим этилди.

Д. МУҲАММАДИЕВ.

## 26 январь — Ҳиндистоннинг миллий байрами, Республика кун

1950 йилнинг 26 январида Ҳиндистон парламенти мамлакат Конституциясини қабул қилди ва мустабидлик занжирини улоқтириб ташлаган мамлакат тараққиётининг демократик йўналишини белгилаб олди. Утган йиллар — ҳаётнинг барча жабҳаларида эришилган муваффақиятлар йўли тўғрисида таълимий кўрсатди.

Ҳиндистон ташқи савдо-мундасил ижобий сальдога эга ва унинг шу кунги олтин захираси 108 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. 2001 йилда бу кўрсаткич 86 млрд.доллардан иборат эди. Иқтисодий соҳани ўзига қамраб олган иқтисодий ислохотлар Ҳиндистонни мана шундай юқори даражага кўтарилишига олиб келди. Ҳиндистон бугун бугунги экспорт қилиш бўйича дунёда еттинчи ўринни эгаллаб турибди.

2001 йилда Ҳиндистон муваффақият билан Ерининг сунъий йўлдошини геостационар орбитага олиб чиқишга эришди. Бу ютук Ҳиндистонни жаҳоннинг олти космик давлатлари қаторидан жой олишига имкон берди. Ҳозирги кунда Ҳиндистонлик мутахассислар Ойга космик кемани учуриш учун тайёрланмоқдалар.

Бутун дунё Ҳиндистонни компьютерлар дастури билан таъминлашни кенг йўлга қўйган давлат сифатида тан олмақда. Бангалор бу соҳада Ҳиндистоннинг етакчи марказига айланди. Хайдаробод тез суръатлар билан ривожланмоқда ва унга жиддий рақобатчи бўлишга тайёр. Ҳукумат иқтисодиётнинг мана шундай кенг истиқболли соҳасини ҳисобга олган ҳолда махсус дастур тайёрлади. Компьютер дастурлари экспорти ҳажми 1997-1998 йиллардаги 1,3 млрд.доллардан 2002-2003 йилларда 9,7 млрд. долларга етди.


Иқтисодий устқурманинг кенгайтирилиши ва яхшиланishi мамлакат ҳукумати юртайётган сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисоб-

ланади. Йўлларни янгилаш лойиҳаси учун 11 млрд.доллар ажратилган ва бу Ҳиндистон ўз мустақиллигига эришгандан кейинги даврда энг йирик ва кенг қўламли лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Ушбу лойиҳанинг асоси-

фон алоқасидан фойдаланувчилар сони 1,4 млн.ни ташкил этган бўлса, шу кунга келиб бу кўрсаткич 17 млн.га етди.

Ҳиндистон ҳукумати ҳар йили 2 млн хонадонни топширишни режалаштирган ва 2010 йилга келиб ҳар бир



бўлдилар. Ҳиндистон томони бу ташрифларнинг натижаларини юқори баҳоламақда. Бундан ташқари, утган йили Ўзбекистонга бир гуруҳ ҳинд ишбилармонлари ташриф буюриб жуда ҳам катта муваффақият қозongan Ҳиндистон махсуслотлари кўрғазмасини ташкил этдилар.

2004 йилнинг 22 январида Ҳиндистоннинг 17 та етакчи компаниясининг 20 та вакилидан иборат делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи муваффақият билан аяқланди.

Бир сўз билан айтганда, Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юксак даражада, бошқалар учун намуна бўлиб қолмоқда. Зотан, ушбу алоқалар юқори даражадаги учрашувлар, мустақкам тарихий ва маданий илдизлардан қувват олади.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги аниқ навий дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ҳиндистонга, Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифлари катта ҳисса қўшди.

Хуллас, Ҳиндистон ўзининг миллий байрамини муносиб ютуқлар билан қутиб олмақда ва буюк келажақ сари шаҳмат одим отаётир.

АЛОҚ ШЕҲАР, ҳинд журналисти.

## Юксакликни кўзлаган диёр

ни икки йўналиш ташкил этади. Биринчи йўналиш тўртта мегаполисни — Дехли, Мумбай, Ченнаи ва Калкутани бир-бири билан боғлайди. Лойиҳанинг бу қисмини 2004 йилнинг декабрь ойида тугаллаш режалаштирилган. Иккинчи йўналиш Шринагар ва Каня Кумари оралиғидаги шимол-жанубий йўлакни ва Силкар ҳамда Портбандар шаҳарлари ўртасидаги шарқий-ғарбий йўлакни қуриш билан бунёд этилади. Лойиҳа бўйича бу ишлар 2007 йилнинг декабрь ойида аяқланади.

Портлар иқтисодий устқурманинг асосий бўғинларидан ҳисобланади ва мамлакат иқтисодини жадал суръатлар билан ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги кунда Ҳиндистонда 13 йирик, 146 та кичик ва ўрта портлар мавжуд.

Охириги беш йил ичида телефондан фойдаланувчилар сони 30 миллионга ошди. 1999 йили уяли теле-

фукоро ўз уй-жойига эга бўлиши кўзда тутилган. Охириги беш йилда ҳукумат янги 7 млн. уйни қуришни молиялаштирди.

Ҳиндистон иқтисодиётининг турли соҳаларидаги иқтисодий, технологик ютуқларини Ўзбекистон билан баҳам қўриш ниятидадир. Хусусан, пахтани қайта ишлаш, ахборот технологияларини ривожлантириш, фармацевтика, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳаларида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикасида 27 та ўзбек-хинд қўшма корхонаси муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Иккала мамлакат мунтазам равишда турли даражадаги ўзаро делегациялар алмашинуви натижасида ўзаро савдо-иқтисодий кўрсаткичлар изчил ўсиб бормоқда.

2003 йилда Ҳиндистон Республикасининг мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитасининг 2004 йил 14 январь 2-сонли буйруғига асосан

Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) хўжалик ҳисобидаги республика бошқармаси 2004 йил 1 февралдан «Давархитектқурилиш» қўмитасига қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилаётганини маълум қилади.

Давволар матн эълон қилинган кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.

Телефон: 144-91-20.

Пудрат савдоларини ташкил этиш хўжалик ҳисобидаги Республика бошқармаси.

8517/441

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабр 538-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитасининг 2004 йил 14 январь 2-сонли буйруғига асосан «Давархитектқурилиш» қўмитасининг идорадан ташқари

ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗА БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ (БОШДАВЛАТЭКСПЕРТИЗА) МАРКАЗИЙ АППАРАТИ

қўмитасининг марказий аппаратида қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилаётгани муносабати билан ўз фаолиятини

ТЎХТАДАДИ

Давволар 1 (бир) ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 144-04-85, 144-11-26.

## Муҳтарам юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари!

Шу йилнинг 23 январидан бошлаб

## ТОШКЕНТ - САМАРҚАНД - ТОШКЕНТ

йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезде қатнови йўлга қўйилди.

Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.

Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.

Йўловчи поезде катта тезлик билан ҳаракатланиб(автомобиль транспортдан тез) сизларни Самарқандга етказиб,Тошкентга қайтиб олиб келади.Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.

Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.



МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИ:  
005, 199-72-15.

ВОКЗАЛ БЎЙИЧА НАВБАТЧИ  
199-72-16.

МАЪМУР  
199-76-27.

Сафарингиз мароқли ўтсин!

Йўловчи поездининг ҳаракатланиш жадвали

| Поезд № | Маълумот          | Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш кўни ва вақти | Белгиланган манзилга етиб бориш кўни ва вақти |
|---------|-------------------|-----------------------------------------------|-----------------------------------------------|
| 1.      | Тошкент-Самарқанд | 6:50 ҳар кўни                                 | 10:50 ҳар кўни                                |
| 2.      | Самарқанд-Тошкент | 17:00 ҳар кўни                                | 21:00 ҳар кўни                                |

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»ДАТК «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

О'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-63  
2422хона

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси акадemiaнинг таълим гуруҳи раҳбари Файзулла Бахромовага сўнгиласи Маъжуда ТОЛИПОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекфильм» киностудияси жамоаси режиссёр Мазлума Пулатовага онаси ХАЙРИНСО аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари инглиз тили лексикологияси кафедраси ўқитувчиси Зилола Қодировага падари бузруквори Зоиржон ҚОДИРОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси «Француз тили» кафедраси доценти вазифасини бажарувчи Умидхон ПУЛТОВАГА онаси Хайри ХАСАНОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



## Муҳлислар ижодидан

## Мангулик

Мен Муҳаммад Юсуфдан  
шеър ўқийверсам,  
Ялпиз ҳиди уфуради  
варақлардан,  
Ҳайрат сизар  
қофияю туюқлардан.

Мен Муҳаммад Юсуфдан  
шеър ўқийверсам,  
Қодирлар тинглагандай бўлаверар,  
Юраккинам ҳаяжонга тўлаверар.

Мен Муҳаммад Юсуфдан  
шеър ўқийверсам,  
Қўларимга жимир-жимир ёш келади,  
Дардларимга дардлари йўлдош келади.

Мен Муҳаммад Юсуфдан  
шеър ўқийверсам,  
Саф тортади узункўйлак сулув қизлар,  
Куйиб-куйиб улар Муҳаммадни излар.

Мен Муҳаммад Юсуфдан  
шеър ўқийверсам,  
Қилч тутган баҳодирга айланаман,  
Улимларни ўлдирмоққа шайланаман.

Ҳасан АЛМАТОВ.

Китобдан яхшироқ  
дўст йўқ жаҳонда“Янги аср авлоди”  
нашриёти тақдим этади

“Бобур ва тасаввуф” рисоласи улуғ мутафаккир Захриддин Муҳаммад Бобурнинг тасаввуф таълимотига бўлган илҳами ва ундан ўз ижодида кенг фойдаланиши ҳамда шоирнинг ирфоний тафаккури каби масалаларни ёритишга бағишланган.

Рисола муаллифи адабиётшунос Дилфуза Жуманиёзова Бобурнинг тасаввуф ғояларидан шеърларида самарали фойдаланганини, қомиллашганда ўз-ўзига мурасасиз бўлиш тамойили Бобурда ҳам содир бўлганлигини қизиқарили воқеалар, далиллар ва мисоллар билан тасвирлайди. Зеро, Бобур шеърларида тасаввуфнинг улуғ ахлоқий меъёрлари қуйланган, инсонни ғафлатдан бедорликка олиб чиқиш маърифати тарғиб қилинган.

Рашид Жумаевнинг “Мавлоно Жалолиддин Румий” китобида жаҳонга машҳур ориф шоирнинг ҳаёти ва ижоди, ҳусусан “Маснавий” асарининг ўрганилиши ҳақида ҳикоя қилинади. “Маснавий”даги ҳикоятлар билан Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайёр” дostonидан ўрин олган қатор ҳикоятлардаги ғоявий-бадиий алоқадорлик атрофлича ёритилган.

Ҳожа Юсуф Ҳамадонийнинг таржимонлар Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан таржимасида илк бор халқимизга тақдим этилаётган “Рутбат ул-ҳаёт” (“Ҳаёт мезони”) асари дин ва тасаввуфнинг қатор назокатли саволларига жавоб тариқда ёзилган. Жумладан иймон ва ислом, зикр ва фикр, руҳ ва бадан, дунё ва охират билан боғлиқ масалалар атрофлича таҳлил этилган.

Каттақўрғонлик ёзувчи ва драматург Яздон Худойкуловнинг номи китобхоналарга яхши таниш. Адибнинг янги асари — “Ёқут кўзи узук” номли тарихий-биографик кассаси тарихий шахс, қомил инсон, тасаввуф илмининг буюк намояндаси, улуғ шоир Сўфи Оллоёр ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти ҳақидадир.

Абдулла Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Баҳром Мамажонов билан педагогика фанлари номзоди Келди Қодиров (марҳум)нинг “Тарбия савоклари” китоби мамлакатимизда аста-секин ўзига хос йўлдан илгариллаб бораётган тарбия ва таълим тизимига бағишланган.

Г. Йўлдошева,  
“Халқ сўзи” мухбири.

## Мактуб

Ҳурматли «Гурунг»  
ижодкорлари!  
Аслида сизларни  
мактамоқчи эмасман,  
саҳифангизни ўқиб  
кўнглимдан кечган фикр-  
ларни ўртоқлашмоқчиман.  
Ўз ҳақимда гапирсам,

## Ижоддан чарчаманглар

оддий ўқитувчи, адабиёт  
шайдосиман. Ўқимга  
тушган газега-журнал,  
китоб мендан қочиб  
кўтулолмайди. Кейинги  
пайтларда уларнинг  
саҳифа «Гурунг» ҳам  
қўшилди: маза қиял-  
ман. Тақлифим, жаҳон  
адабиёти дурдоналари  
ва улуғ ўзбек адиблари-

миз ижодидан намуна-  
ларни кўпроқ бериб  
борсаларинг, ёшлари-  
миз фақат адабиёт  
дарслиги билан чегара-  
ланиб қолишмасди.

Эҳтиром билан,  
Абдуқаҳҳор РАҲИМОВ,  
Наманган вилояти,  
Мингбулоқ тумани,  
Терак қишлоғи.

## GURUNG

## Қизикчи

танқид  
билан  
тирик

Шу ҳаёллар билан  
қўлимга қалам олдим. Жур-  
налистикага бурун суқмаган  
сен қолгандинг, деб лаб  
бурманг. Қизикчи актёр бил-  
лан журналист ўртасида тура-  
диган ижодкор. Фақат  
журналист халқимизнинг  
ўй-фикрларини қозғоғ ор-  
қали ифода этса, бизга жа-  
нимиз иш беради. Ҳатто  
уйма-уй юриб айтиб чиқа-  
миз. Хуллас, ана шунақа  
гаплардан кейин ёзишни  
бошладим.

Ҳўш, ўтган йилимизда  
қизикчиларимиз халқимиз-  
га сув билан ҳаводек зару-  
р бўлган — қулги етқа-  
зиб бериш ва уни тарқа-  
тиш режаларини қандай  
бажаришди? Менимча,  
қизикчиларимиз йилни  
ёмон ўтказишмади. Мана,  
биргина охири — декабрь  
ойини олиб қўрайлик: Қи-  
зиқчилик ойлиги бўлди.

Гапни устозимиз Ҳожибой  
Тожибоевдан бошлашасан. У  
киши пойтахтда сеvimли  
устозимиз Эргаш Каримов-  
дан дуо олиб, “Халқлар  
дўстлиги” саройида ўз  
ижодини намойиш  
қилиб, улоқни олиб  
кетди десанк янглиш-  
маймиз. Саройда ян-  
граган қаҳқаҳалар,  
мазкур қулги кеча-  
си асосида тайёрла-  
ниб, экранда намо-  
йиш қилинган кўрса-  
тув кўзатган табассум-  
лар бунинг ёрқин ис-  
боти.

“Кўнни қандай қарши  
олсанг, бўтун кун даво-  
мида шу кайфият ҳамроҳ  
бўлади” деган мақолага  
амал қилиб, Зокирхон би-  
лан биргаликда декабрнинг

илк кунларидан бошлаб  
республикаимиз вилоятлари-  
ни, Қорақалпоғистон Рес-  
публикасини кезиб 15 та  
қулги кечаси ташкил қил-  
дик. Устоз изидан бориб,  
“Халқлар дўстлиги” саройи-  
да икки кун қулги улашдик.

Мирзабек Холмедов би-  
лан эски йилни қўзатиб, янги  
йилни қўтиб олишга одат-  
ланганимиз. Бу йил ҳам муҳ-  
ташам цирк биносидан у  
киши раҳбарлигида қатор  
қизикчиларимиз олам-олам  
қулги улашдик.

Яна бир сеvimли акамиз  
Обид Асосов бошлиқ Тўхта-  
мурод Азизов, Ботир Мухам-  
маджоёев, Болтавой Тош-  
матов сингари қизикчилари-  
миз ҳам қулги ойлигидан  
четда туришмади. Миллий



театр биносидан 100 марта  
сервкулги спектакль намои-  
ш этишиб, 70 минг кич-  
кинтойининг кўнглини олиш-  
ди. Обид ака қизикчилари-  
миз орасида биринчи бўлиб  
Москва телевидениесидан  
чиқиш қилиб, ўзбек қулги-  
сини қардош халқларга на-  
моиш этди. “Дев билан Па-  
каша” фильмида суратга ту-  
шиб, қизикчиларимиз саҳи-  
фа Девни ҳам олиб кирди.

Абдулла Акбаров бошчи-  
лигидаги қизикчи-аскиячи-  
ларимиз эришган муваффа-  
қиятлар ҳам мактовга лойиқ.  
Улар қўшни Қозғистон Рес-  
публикасида ўтказилган  
“Сайрам қаҳқаҳаси” деб  
номланган аскиячиларнинг  
халқроқ танловида олий  
мукофотни қулга кирити-  
шиб, ўзбекистонлик аския-  
чилар жуда катта қулг  
лигини Осиёда яна бир бор  
намоиш қилишди.

Валижон Шамсиев унча-  
мунча киностудиялар хозир-  
ги кунга қадар қолмайдиган  
ишни қилиб иккита  
учта кино ишлаб ташла-  
ди... Ажойиб актёр си-  
фатида эътироф этил-  
ди.

Музаффар Мирзабе-  
ков билан Ўткир Мухам-  
маджоёев ҳар кўни ра-  
дио орқали қулги ула-  
шайдан нарсаларни  
“Қармоқларига каттароқ  
балик илиниши қолдими,  
кейинги пайтларда “Тан-  
дир” қийғишнинг ҳам бош-  
лаб юборишди.

Қулги ойлигида Худой-  
берди Зиёдов, Шуқрулло  
Исроиллов, Анвар Неъмат-  
лиев, Абдурахмон Сидди-

ков, Шерали Ҳожиёв каби  
қизикчиларимиз,  
“Қаҳқаҳа”, “Афанди-шай”,  
“Жиз-биз”, “Қўшқулоқ”  
сингари гуруҳларимизнинг  
хизматлари ҳам ёмон  
бўлмади.

Бу ойлигимизга четдан,  
жаҳонни қойил қолдирган  
Евгений Петросяннинг ҳам  
қўшилгани унга янгича жо-  
зиба, руҳ бағишлади. У  
кишининг республикаимиз-  
да марҳум устозимиз орзу  
қилган бўтун бошли  
қизикчилар армияси пай-  
до бўлганлигини эътироф  
этгани, қўллаб қизикчи-  
ларимизни “Кривоое зерка-  
ло”дек машҳур кўрсатувга  
тақлиф этгани ҳаммаимиз-  
ни қувонтирди. Бу ўзбек  
қизикчилигининг жаҳон  
сахнасида қийаётганидан  
далолат эмасми?

Тўғри, қизикчиларимиз  
репертуарларида ҳали  
юзакчилик, батчаналик, ма-  
ромига етмаган ўринлар  
ҳам етарли. Булардан қўти-  
лиш шарт. Аммо нимадир  
дейишгаётган бўлишса, бу-  
нинг остида эзгу ният —  
қулги улашди ётади. Қо-  
лаверса, бу чиқишлар —  
қизикчиларимиз изланиш-  
ётганидан нишона.

Мен юқорида ҳар бир  
қизикчи ёки гуруҳ тўғри-  
сида бежиз алоҳида  
тўхталмадим. Уларнинг ҳар  
бири битта таҳлилий ма-  
қолага мавзу бўлади. Бу  
ўринда журналистларимиз  
уларнинг ютуқ ва камчи-  
ликларини рўй-рост айтиб  
чиқишлар қилишса, қизик-  
чилигимиз бундан да та-  
раққий этган, мазмун-мо-  
ҳияти билан чинакам қул-  
ги оий бўлган декабрь ойи  
ойларга, йилларга, асрлар-  
га уланаверарди, халқимиз  
юзидан қулги-табассум  
аримасди.

Ортық СУЛТОНОВ,  
“Ҳандалок” ҳажвий  
кўрсатувиининг муаллифи.

Риоске АКУТАГАВА ,  
япон ёзувчиси

Панд-насихатларни  
ўйлабмасдан рад этиш —  
тежамкорликда кўп нарсани  
тушунмаслиқни, ўйла-  
масдан итоат этиш эса  
қўрқоқлик ёки дангаса-  
лиқни англатади.

Инсонни  
тушуниш —  
олий  
фазилаат

Инсонда виждон худди  
соқол каби маълум бир  
ёшга етгандагина пайдо  
бўлмайди. Виждонли  
бўлиш учун тажриба та-  
лаб этилади.

Бирор ишни бажариш  
ҳар доим ҳам қийинчилик  
туғдирмайди. Қийини уни  
бажаришни исташ.

Ўзгаларни мазах қила-  
диганлар бошқаларнинг  
кулгусига қолишдан  
қўрқади.

Ҳаётингизни шодумон  
қилиш учун атрофдаги  
майда-чуйда нарсаларни  
ҳам яхши кўриш керак  
бўлади. Айтилик булут-  
лар жилоси, қамишлар  
шитирлаши, қушлар чу-  
ғури, йўловчи одамлар  
қийфаси — буларнинг ба-  
ридан завқлана билиш  
керак. Аммо, майда-чуй-  
даларни яхши кўриш бу —  
улар учун қайғуриш, азоб  
чекиш дегани. Қулиб ир-  
рекиш учун қулиб азобла-  
ниш лозим бўлади.

Озодлик тоғ чўққиси-  
даги ҳавога ўхшайди, шу  
боис уни оғиз одамлар  
кутара олмайди.

Биз нима учун болалар-  
ни яхши кўраимиз? Ҳеч  
бўлмаса улар алдамаган-  
ликлари учун, бу борада  
улардан қўрқмасан ҳам  
бўлади.

Ёзиш учун ижодий  
ҳарорат керак. Уни ушлаб  
туриш учун эса биринчи  
галда соғлиқ керак...

Бизнинг табиятга  
бўлган меҳримиз сабаби  
шундаки, унинг бизга ни-  
батан нафрати ҳам, ҳаса-  
да ҳам йўқ.

Р. БОЙТЎРА тайёрлади.



## Янгисидан

Сергей ЕВТУШЕНКО,  
Владимир ЛАДЧЕНКО

## Ажойиб эр

— Эшитдингми, ази-  
зим? — деди ноз-қараш-  
ма билан хотиним. —  
Анови Петрюклар ажойиб  
гилан хариб қилишбди.  
Гиланмисан, гилан-да,  
ўзим. Нақ Олмонияни-  
ки!

— Бўпти. Битта гилан  
сондан айлансин! — дея  
иккинчи ишга кирдим.  
— Азизим, сенга айт-  
моқчи эмасдим, — чи-  
ройлигина чайналди ра-  
фикам. — Анови Петрюк-  
лар нақ Кримга дам ол-  
ган жўнашибди!

— Бўпти, Крим бўлса  
Крим-да! — дея йўллан-  
ма излашга тушдим. Уч  
ой ўтди.

— Эшитдингми, ази-  
зим? — деди эшилиб-  
эшилиб хоним. — Анови  
Петрюкларда чакалоқ ту-  
ғилибди. Нақ у кило  
етти юз грамм!

— Бўпти болаймиз. —  
дедим у шогломдек  
кизариб кетдим. Тўққиз  
ой, тўққиз кун, тўққиз  
соат, тўққиз дақиқада  
кейин биз ҳам фарзанд-  
ли бўлдик.

— Эшитдингми, ази-  
зим? — деди хоним. —  
Муттаҳам Петрюк хоти-  
нини ташлаб кетибди...

Мана, мен ҳам ажойиб  
эр Петрюкни эслаб яқка-  
блғиз яшайман.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ  
тержимаси.

Сугурта идорасига  
ишга ўтдим, хотин-  
нинг хаги ланг очилди:  
— Токайча шу сарик  
папкани қўлиқлаб юрасиз,  
бизиям уйимиз қуйсин, ё  
ҳеч бўлмаса сигиримиз  
ўлсин!

— Хов, хотин, мени жи-  
ноятта бошлама!

— Нимаси жиноят? Қо-  
ғозини тўриласангиз  
бўлди-да!

— Нонча қозғоқ кетиши-  
ни биласанми ўзи? — бар-  
моқларини бир-бир буюиб  
санай кетдим. — Ҳаром  
ўлганлиги ҳақида мол ду-  
тири маълумотнома ёзиши  
керак — бир. Терисини  
топириб, қивтанция олиш  
лозим — икки. Уч-тўртта  
гувоҳ иштирокида акт ту-  
зилиши, остига қўл қўйи-  
лиши шарт — уч. Ишхона-  
даги ҳужжатларни гапир-  
май.

Э, нима бўлди, ҳам-  
маси одам, келишсангиз бу  
ёғини келиштиришди.  
Бунақа гапларни бир  
марта эшитганимиз эди,  
парво қилмасдим. Кунда  
бир, дам олиш кунлари уч-  
тўрт марта эшитганимиз-  
дан кейин, сабрингиз тўлар  
экан.

Махалламиз қассоби  
мени личинини хайраганча  
кутиб олди:  
— Неча кило тортай?

— Йўқ, менга гушт эмас,  
тери керак. — дея йиманиб-  
гина гап бошлаб, дардим-  
ни дoston қилдим. Қассоб  
қайроқ билан чаккасини  
қашлаганча эшитди.

— Отақўзи! — деди бир-  
дан у: ортига ўғрилиб.

Қорачадан келган оп-  
поқкина халат қийган йи-  
гит қўли кўксига пайдо  
бўлди. Қассоб ака турт ки-  
лоча гуштини қозғога ўраб,  
шоғирдига узатди.

— Мана шуни акалар-  
ниқига, — у қоши билан

менга имлади, — тезда та-  
шлаб келгин.

— Бизниқамми? — сўра-  
дим хайрон бўлиб. — Бизга  
гушт керак эмас, тери ке-  
рак, тери.

— Гушт ортиқчалик қил-  
майди, — қассоб қулиб да-  
вом этди. — Тери ҳақида  
ўйлабсангиз ҳам бўлади.  
Ўзим топириб, қивтанция

Уйимиз  
кўйди

Ҳаживей

қилдириб ҳам қўяман. Ик-  
кита тери сиздан айланин!  
— Битта, битта тери... —  
дедим аранг.

— Э, битта бўлди нима,  
иккита бўлди нима? Бу ёғи  
ўзингизнинг қўлингизда-ку!  
— акам елкамга шатайлаб  
қузатиб қолди.

Мол дуктирига йўлиқдим.  
Шу кунларда қорасон ка-  
саллиги жуда авж олган, —  
мол дуктири мақсадини  
англагач, менга тушунтира  
кетди. — Жуда юкумли  
бўларкан бу касаллик. Биз-  
нинг қўйизга қаердан юқди  
экан, қовғанина соппа-соғ  
юрган жонивор, бугун эрта-  
лаб юн таслим қилиб ту-  
рибди-ю!

Гапларининг мазмунини  
қайқа қараб ўрмалаётгани-  
ни сезиб, ёр чиздим.

— Учала молга ҳам ак-  
ларни тузиб, гувоҳларга ҳам  
қўли қўйдириб, кенгача тахт  
қилиб қўяман, бу ёғидан  
қўнглингиз тўқ бўлсин. Эр-  
талаб кириб ўтарсин, —  
деди у мен билан хайрла-  
шар экан.

шекилли:  
— Битта молга қирқ минг-  
дан тўлашса, бир юз йиғир-  
ма минг бўлади. — Жа-  
қўнглингизга, қўнглингизга  
пўл тушса босар-тусарин-  
гизни билмай қоласиз. Шу-  
нинг учун кетишингизда  
анови икковига йиғирма  
беш мингдан бериб тинчи-  
те кетинг. Пулни олгач,  
тўғри уйга келинг! Улғуржи  
пўлда барака бўлади, — де-  
дилар қўлимга халта бериб.

Қассоб акамлар йиғирма  
беш мингги икки марталаб  
санаган, юкумга савол на-  
зари билан боқдилар. Ки-  
зардим, бузурдим. Бир сўз  
дедиларим. “Хамқорлиги-  
миз давом этади”, деган  
шарт билан пулларни чўна-  
га солиди.

Мол дуктири бунақалар-  
ни кўравериб қўзи пишиб  
кетганини, пулларни ширил-  
латиб айлантириб қўрди-да,  
манмун жиймайиб, елкам-  
га қўқди.

— Иккови ҳам бир кунда  
ўлдими? — сўради бошли-  
гимиз негадир бўлимай.

Корасон деган юкум-  
ли касаллик бор экан, —  
мол дуктиридан эшитганла-  
римни тутила-тутила айтган  
бўлдим. — Шу касаллик би-  
лан учовчи ҳам...

— Майли, ажал илоийм  
икковига келган бўлсин! —  
деб бошлиқ ҳужжатларим-  
ни қўлимга тутказди.

Бошлиқнинг гапини қай-  
тариш, ходимга хос бўлма-  
ган одат: Иккитага қўндим.

Ҳисобчини бежизга ра-  
қамлар устаси демайдилар.

— Иккита молнинг қирқ  
беш минг барайин ё битта  
молнингга эллик минг? —  
сўради дангал.

Беш минг зийнига юра-  
диган ахмоқ йўқ:

— Эллик минг! — дедим.  
Эллик мингга қозғоқ  
ёзиб, қассога ишора қил-  
ди. Борига барака деб пул  
санаб беришларини қутиб  
турсам, бирварақайига ўн  
битта ҳамқабиларим мени  
ўраб олишди:

— Муборак бўлсин, бир-  
данига учта молнинг ўлибди,  
кутулғу бўлсин!

— Раҳмат, раҳмат! — де-  
дим тишимнинг оқини  
кўрсатиб.

— Битта молнинг пулини  
бизга атасанг асақанг кет-  
маси? Чойхонага ўтаверсан,  
ош дамбаб турамиз, — дейи-  
шиб қассир уватган пулни  
олишди. шамолдай келиб,  
шамолдай кетишди.

Чойхонада учта молнинг

пулини олган бойвачча си-  
фатида тўрда ўтириб, ош-  
ларни еб, “Онажон, мен ҳам  
одам бўлдимми?” деган  
қўшқини жийғоғи қилганча  
уй томон йўл олдим.

Омад бир келса қўз ке-  
лади-да. Йўлда учта сити-  
рининг харом ўлганини,  
қўнглишини тепасида туриб  
қуриб, акт тузган учта шов-  
воз ўчради.

— Битта молнинг ўндан  
бирини сарфласангиз нима  
бўлибди? — деган илҳом-  
бахш сўзлар билан қутиб  
олишди.

Яхшиям дўкон мудирини  
таниш, насияга еди-ичинини  
берди, яқин яримта ситирга  
қарз бўлдим чамамда.

Оёқларни аранг йўлга со-  
либ уйга келсам, хотинбой  
ошларни дамбаб, мени қу-  
тиб ўтирган экан. Юзлари  
сөөвинчдан яшнаб, саволга  
тутди:

— Олиб келдингизми, да-  
даси?

— Ҳа, эсон-омон кел-  
дим, — дедим гапини унча  
англамай.

— Яхши, яхши, — давом  
этди хоним ҳам сўзларимга  
унча тушунмай. — Ўзи си-  
гиримиз ўлмай, уйимиз қуй-  
ганда бўларкан, янада  
кўпроқ пул олардик.

— Ҳечам афсус қилманг,  
хотинжон, афсус қилманг.  
Уйингиз қуйди, уйингиз қуй-  
ди! Қуйиб адоий тамом  
бўлди! — дея гап бошлаб  
бугунги воқеаларни оқизмай-  
тоизмай айтиб бердим.

Кейин нима бўлди дер-  
сиз? Ҳожиқимни тутатишим  
билан хотинбой гапларимиз  
ёз фозиз қўшилиб, қўз ёши  
билан, юракдан чиқариб жи-  
тоб қилди:

— Уйимиз қуйди, уйимиз  
қуйди!

Санд АНВАР.